

ЖАМОАТ КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА САМАРАДОРЛИГИ: ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР МИСОЛИДА

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Магистратура тингловчиси

Наджимитдинов Бахтиёр Рахимович

Бугунги кунда дунёда 200 дан ортиқ давлатлар мавжуд бўлиб, мазкур давлатлар ижтимоий-сиёсий ҳаётида давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур ҳамкорликнинг самарали ташкил этилиши эса барчанинг, яъни фуқаролар, жамият ва давлатнинг манфаатлари бирдек рўёбга чиқишига хизмат қиладиган ҳамда мамлакат тараққиётига ижобий таъсир кўрсатадиган омиллардан биридир.

Мазкур йўналишдаги изланишларимиз асосида айтишимиз мумкинки, ривожланган мамлакатлар, хусусан, ғарбий Европа давлатларида бошқа минтақаларга нисбатан бугунги кунда фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги нисбатан яхши ташкил этилган ҳамда ушбу йўналишда яхшигина ижобий натижаларга эришилган. Мазкур мамлакатлардаги фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлигига оид қабул қилинган муҳим ҳужжатларнинг мавжудлигини ҳам алоҳида эътироф этишимиз лозим. Хусусан, профессор Ш.У. Якубов мазкур йўналишда қабул қилинган ҳужжатларни икки мақсадга:

биринчидан, улар фуқароларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишларини фаоллаштиришга, *иккинчидан*, давлатнинг аҳолига айрим хизматлар кўрсатиш вазифасини қисман енгиллаштирадиган ҳамкорлик механизмларини яратишга йўналтирилган[1] деб қайд этади. Шунингдек, баъзи мутахассислар хорижий давлатлар тажрибасининг илмий таҳлили асосида фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлигига оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қуйидаги шакллари ажратиб кўрсатади:

1. Конфедерация даражасида қабул қилинган ҳужжатлар (масалан: Европада давлат бошқаруви масалалари бўйича «Оқ китоби»[2]);
2. Парламент томонидан қабул қилинган ҳужжатлар (масалан, «Эстония фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» (ЕКАК[3]);
3. Икки томонлама расмий битимлар (масалан, Буюк Британия давлатлари ва фуқаролик жамияти ўртасида тузилган шартномалар[4]);
4. Ҳукумат томонидан давлат дастурлари сифатида қабул қилинадиган «де-факто» битимлари («Хорватия ҳамкорлик дастури»[5]).

А. Юлдашев ҳам ўзининг тадқиқотларида ушбу йўналиш хусусида тўхталиб, Австрия, Швеция, Япония, Германия, Швейцария, Нидерландия давлатларида бу борада махсус органлар, алоҳида тартиб-таомиллар ва механизмлар кўринишида амалга ошириладиган корпоратив тизим мавжудлигини[6] қайд этади.

Шу билан бирга, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳам маслаҳатлашувлар давомида Нохукумат ташкилоти (НХТ) нинг қарор қабул қилишда иштирок этиш, маслаҳатлашувлар самарадорлигини ошириш учун уларнинг тартибини такомиллаштириш, ҳокимият томонидан НХТ, шу жумладан барча секторлар ва институтларга кўпроқ эътибор бериш, кам сонли ташкилотлар билан чекланмасдан, барча иштирокчиларнинг кенг эътироф этилиши, шунингдек Комиссия томонидан ташкил этилган маслаҳатлашувларда иштирок этаётган фуқаролик жамияти институтларига шартномада алоҳида эътибор қаратилиши кераклигига нисбатан талабларни айтиш мумкинки, ҳамкорлик тарафларнинг ўз хоши истақларига биноан биргаликдаги саъй-ҳаракатлари ва музокаралари натижасидир. Ушбу йўналишдаги муҳим қадамлардан бирини Буюк Британия мисолида кўришимиз мумкин, яъни Буюк Британия давлатлари ва фуқаролик жамияти ўртасида тузилган шартномалар[7]. Буюк Британиянинг ҳукумат ва НХТ вакиллари томонидан иккита ҳужжат яъни, ҳукумат ва ижтимоий сектор ўртасида расмий битим тузиш тавсия этилган Дикин комиссиясининг “Ижтимоий секторнинг келажиги” (1996 йил, июль) маърузаси ва лейбористлар партиясининг “Келажакни биргаликда курамиз: лейбористларнинг ҳукумат ва ижтимоий сектор ўртасида

шерикчилиги соҳасидаги сиёсати” (1997 йил, февраль) Буюк Британия шартномалари[8] қабул қилинишига асос бўлган.

Юқорида қайд этилган амалиётга ўхшаш ҳолатни Германия ва Венгрия давлатларида ҳам кузатишимиз мумкин. Хусусан, Германиянинг Ҳамкорлик ва ривожланиш федерал вазирлиги томонидан «Камбағалликни камайтириш тўғрисидаги сиёсий ҳужжати»[9] халқаро ёрдам кўрсатиш соҳасида фаолият олиб бораётган Германия НХТлари билан маслаҳатлашувлар якунига ва бу ташкилотлар ташаббусига кўра қабул қилинган.

Юқорида қайд этилган Европа мамлакатларининг тажрибаси давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини акс эттирувчи стратегик ҳужжатларнинг амалий мисолидир. Айтиш мумкинки, ушбу битимлар ва баёноتلар давлат органлари учун ҳам, фуқаролик жамияти институтлари учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, мазкур ҳужжатлар фуқаролик жамияти институтлари фаолиятларини қўллабқувватланишига ҳамда уларнинг жамият манфаатлари йўлидаги фаолияти кенгайтирилишига имконият яратиши, шу билан бирга, давлат органларига ўз вазифаларини тўлиқ ва муваффақиятли бажариш имконини бериши шубҳасиздир[10].

Шунингдек, ҳар қандай давлатда жамият аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда шу жамият аъзоларининг ҳоҳиш истакларини рўёбга чиқаришни мақсад қилган демократик институтлар фаолиятини қўллабқувватлаш мақсадида давлат томонидан бундай стратегик ҳужжатларни қабул қилиш, бошқача айтганда, фуқаролик жамияти институтларига эътибор қаратиш, аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг мақсади деб билган демократик институтлар фаолиятига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади[11].

Шу билан бирга, бундай ҳужжатларнинг қабул қилиниши давлат органларининг ўз функцияларини самарали бажаришида ҳам ўзига хос қулайликларни юзага келтиради. Лекин, ҳамкорлик тўғрисидаги бундай ҳужжатлар умумий хусусиятга эга бўлиб, ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий ҳисобланмайди ҳамда

улар молиялаштиришнинг аниқ қоидаларини белгилаб бермайди[12]. Ушбу ҳужжатларда давлат томонидан фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашни таъминлашга оид механизмларни яратиш назарда тутилади ва бу жараёнлар давлатларнинг фуқаролик жамияти институтларига нисбатан муносабатини ижобий томонга ўзгаришига ва фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини ҳуқуқий тартибга соладиган қонунларнинг яратилишига, давлатнинг замонавий стратегиясидан келиб чиқиб, уларни ўзгартирилиши ва такомиллашувига замин яратади.

Ш.У. Якубовнинг фикрича, давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришда яна бир муҳим омил, мазкур жараённи амалга оширувчи, давлат ва нодавлат сектори ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириб турувчи институтларнинг ташкил этилиши ва уларнинг самарали фаолияти учун ҳуқуқий асосларнинг яратилиши алоҳида аҳамиятга эга[13]. Хусусан, хорижий мамлакатлар тажрибасида бундай институтларни ташкил этиш борасида ҳам ўзига хос тажриба тўпланган.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ривожланган давлатлар тажрибасида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминловчи институтларнинг парламент, вазирлик ва қўмиталар таркибида ташкил этилганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, Венгрияда Фуқаролик жамияти ташкилотларини қўллабқувватлаш бўйича Парламент қўмитаси 1990-йиллар бошидан бери фаолият кўрсатиб келади. У аввал миллий ассоциацияга давлат бюджетидан грантлар берган. Сўнгги вақтда ушбу қўмита учинчи сектор фаолиятини тартибга соладиган қонунчиликни шакллантириш бўйича ишларни ўз зиммасига олган[14]. Германияда эса, оила, кекса фуқаролар, аёллар ва ёшлар ишлари бўйича қўмитанинг кичик қўмитаси (Фуқаролик фаоллиги бўйича кичик қўмита) 2003 йил майда ташкил этилган. Унинг вазифасига Германиянинг фуқаролик жамиятини тадқиқ этиш тавсияларини бажаришга кўмаклашиш[15] ҳамда ўз йўналишидаги қонун лойиҳалари ва ташаббусларини муҳокама қилиш киради[16].

Мазкур қайд этилган тажрибаларни мамлакатимиз сиёсий фаолияти билан таққослаб кўрадиган бўлсак, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида фаолият олиб бораётган «Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси»[17]га қиёслаш мумкин. Ушбу қўмита ҳам Ўзбекистонда «учинчи сектор» фаолиятини ҳуқуқий асослар билан таъминлаш, амалдаги қонунлар ижросини назорат-таҳлил қилиш билан шуғулланади.

Шунингдек, баъзи Европа давлатларида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини амалга оширувчи ҳукумат даражасидаги ташкилотлар мавжудлигини ҳам гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Мазкур ташкилотлар ушбу вазифа зиммасига юклатилган вазирликдан мустақилдир. Мисол учун, Хорватияда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик бўйича давлат бошқармаси ҳукумат даражасида фаолият юритади. Ушбу бошқарма 1998 йилда ташкил этилган бўлиб, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига оид турли қонунчилик ташаббуслари бўйича ишчи гуруҳларининг фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда мазкур бошқарманинг вазифаларидан яна бири – фуқаролик жамияти институтларига грантлар бериш орқали уларни молиявий қўллаб-қувватлашдир[18]. Ушбу ҳолатга яна бир мисол тариқасида Венгрия амалиётини келтиришимиз мумкин. 1998 йил Венгриянинг Бош вазир девонида «Фуқаролик жамияти билан алоқалар бўйича департамент» ташкил этилган бўлиб, ушбу департаментнинг вазифаси нотижорат секторга нисбатан сиёсатни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштиришдир. Ушбу департамент «Фуқаролик секторига нисбатан давлат стратегияси»ни яъни, нотижорат секторни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг комплекс стратегиясини яратган.

Бугунги кунда хорижий мамлакатлардаги вазирликлар даражасида ўз йўналишида нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликни ташкил этувчи алоҳида тузилмаларнинг мавжудлигини давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатаётган амалиёт сифатида қайд этишимиз мумкин.

Хусусан, ҳукумат даражасида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи алоҳида вазирлик ташкил этиш амалиётини Қозоғистон Республикаси гувоҳи бўлишимиз мумкин. 2016 йилда ушбу давлатда «Дин ва фуқаролик жамияти институтлари вазирлиги» ташкил этилган.

Европа давлатларида давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан институционал ҳамкорлигининг энг кенг тарқалган шакли сифатида тармоқ вазирликлари билан ҳамкорликни қайд этишимиз мумкин. Дарҳақиқат, фаолият соҳаси вазирлик тармоғига мос тушадиган фуқаролик жамияти институтлари ўз соҳасидаги сиёсат ва қонунчиликда ташкилотларнинг ва улар аъзоларининг қарашлари акс этишидан манфаатдорликлари табиий ҳолдир. Шу билан бирга, улар молиялаштиришдан манфаатдор бўлиб, вазирликлардан ушбу масалада ёрдам олишга ҳаракат қиладилар. Ўз ўрнида, бундай жараёнлар вазирликларга ҳам фойдалидир албатта, яъни улар вазирликларга ўз вазифаларини ўрнитилган тартибда ва самарали бажаришларида кўмак берадилар.

Шунингдек, баъзи ҳолларда маълум бир вазирлик амалда барча фуқаролик жамияти институтларига тааллуқли вазифалар ёки дастурларнинг бажарилиши учун масъуллигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, Словакия Ички ишлар вазирлиги барча НХТларни рўйхатга олиш билан шуғулланади ёки Польшада 2003 йил июнида қабул қилинган “Ижтимоий фойдали ташкилотлар ва кўнгиллилик тўғрисида”ги янги қонуннинг ижроси учун меҳнат ва ижтимоий масалалар вазирлиги масъуллигини қайд этишимиз мумкин. Шу билан бирга, хорижий давлатлар тажрибасида вазирлик даражасидаги ҳамкорликда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтларини турли шаклларда қўллаб-қувватлашининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, Венгриянинг Болалар, ёшлар ва спорт ишлари бўйича вазирлиги НХТга вазирлик сайтида ўз ахборотини эълон қилиш имкониятини беради, бу билан бир соҳада фаолият олиб борадиган турли НХТлар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантиради[19].

Юқорида қайд этилган хорижий амалиётни мамлакатимиз мисолида кўрадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари

тўғрисида”ги қонуни[20] га биноан, Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, хориждаги айрим давлат бошқаруви органлари ҳузурида турли даражадаги жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш амалиёти ҳам мавжуд. Масалан, Франция Конституциясининг 11-бўлимига мувофиқ Иқтисодий, ижтимоий ва экологик кенгаш фаолият кўрсатади. Ушбу мамлакат Конституциясининг 69-моддасига асосан Кенгаш Ҳукуматнинг сўровига мувофиқ қонунлар, ордонанслар ёки декретлар лойиҳаси юзасидан ўз хулосасини тақдим этади[21].

Таъкидлаш лозимки, Ички ишлар вазирлиги жамоатчилик кенгашининг ташкил этилганлиги, ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга хизмат қилади. Яна бир муҳим масала шуки, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишда фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлиги ташкил этиш учун ички ишлар органлари ҳузуридаги жамоатчилик Кенгашининг тегишли тузилмаларини нафақат марказий аппаратда балки ички ишлар органларининг ҳудудий органларида ҳам ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, ички ишлар органлари фаолиятида ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги асосий амалий жараёнлар асосан қуйи тизимларда амалга оширилади. Қуйи тизимлардаги қонун устуворлигини таъминлаш, мансабдор шахслар фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳамда ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги ҳамкорлик масаласи алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, баъзи хорижий давлатлар тажрибасида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги марказлар билан бир қаторда ҳудудлар миқёсида ҳам мавжудлиги уларнинг ўзига хос самарали фаолият юритишига замин яратади. Буларга мисол қилиб, Порту-Алегри шаҳридаги (Бразилия) бюджетни биргаликдаги ишлаб чиқишда иштирок этиш бўйича кенгаш ёки Шецин шаҳри (Польша) маслаҳат кенгашини келтиришимиз мумкин. Бюджетни

биргаликдаги ишлаб чиқишда иштирок этиш бўйича кенгаш жамоат ташкилотларининг молиялаштиришни режалаштириш, шаҳар бюджети даромадлари ва харажатлари масалаларини ҳал этишда бевосита иштирок этишини таъминлайдиган ўзига хос органдир. Маслаҳат кенгаши Шецин шаҳар кенгаши томонидан маҳаллий ноҳукумат ташкилотларининг мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида шаҳар маъмурияти билан Шецин ноҳукумат ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга кўмаклашиш учун ташкил этилган[22].

Шу ўринда бир масалани ўйлаб кўриш мақсадга мувофиқдир, яъни, юқорида қайд этилганидек, бугунги кунда мамлакатимизда, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3666-сонли Қарорига[23] асосан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан бири сифатида “нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини юритиш, уларнинг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилишга кўмаклашиш” белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юклатилган мазкур нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш вазифасини мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда зиммасида кенг ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўлган ички ишлар органларига олиб бериш масаласини кўриб чиқиш лозим. Масалан, Ички ишлар вазирлиги тизимида назорат лицензия фаолияти билани шуғулланувчи бўлинмалар фаолият юритади. Ушбу вазифани мазкур бўлинмаларга тегишли штат бирликлари ажратган ҳолда бир йўналиш сифатида бириктириш масаласини ўйлаб кўриш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, бугунги глобаллашув ва инсониятнинг тинч ва осуда ҳаёти учун таҳдидлар кўпайган бир даврда хавфсизлик нуқтаи-назаридан ҳам ушбу ваколатни ички ишлар органларига ўтиши мақсадга мувофиқдир. Ички ишлар органлари ташкил

этилатган фуқаролик жамияти институтларининг мақсади ва келгуси фаолиятини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида назорат қилишда Адлия вазирлигига қараганда кенгроқ куч ва имкониятларга эгадирлар.

Шу ўринда хорижий тажрибага назар соладиган бўлсак, юқорида қайд этилган эди, яъни, Словакия Ички ишлар вазирлиги барча НХТларни рўйхатга олиш билан шуғулланади.

Маълумки, дунё миқёсида, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам ҳуқуқбузарликларга қарши кураш масаласи ғоятда муҳим масаладир. Ҳуқуқбузарликларга қарши курашда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик эса, ушбу фаолиятни амалга оширувчи субъектлар фаолиятини анча самарали амалга оширишига хизмат қилиши мумкин. Ушбу имкониятдан янада унумли фойдаланиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаменти таркибида ҳуқуқбузарликларга қарши курашда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни мувофиқлаштириш бўлимини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, ички ишлар органларидаги мониторинг фаолияти Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаментига юклатилган, шу билан бирга ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалга ошириш фақатгина ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг вазифаси бўлиб қолмасдан ички ишлар органлари тизимидаги барча таркибий тузилмалар ўз функционал мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда профилактик фаолиятни амалга оширишга масъул ҳисобланади. Бу борадаги хорижий давлатлар тажрибасидан ҳам кўришимиз мумкинки, масалан, Франция тажрибасида Ички ишлар вазирлигида нодавлат сектори билан ишлайдиган алоҳида бўлим мавжуд. У ҳуқуқбузарликлар сони ортган ҳудудларга махсус фуқаролик жамияти институтларини ва кўнгилчиларни юбориб, у ерларда махсус тўғараклар, тренинглар ташкил этади. Ёшларни шу тариқа жалб этиб, бўш вақтини мазмунли ўтказишга йўналтиради. Бундай долзарб масаларни ҳал этиш учун вазирлик томонидан махсус маблағлар ҳам ажратилади.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, юқорида ўрганилган ва таҳлил қилинган хорижий тажрибанинг ижобий жиҳатларини миллий тизимимизга яъни,

мамлакатимизнинг давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигига, хусусан, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигга оид жараёнларга жорий этиш фақат ўзининг ижобий натижасини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Якубов Ш.У. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари. Монография. Т. 2018 й. – Б.130.
2. Европа Иттифоқининг давлат бошқаруви масалалари бўйича «Оқ китоби» // <http://evropa.eu.int/eurlex/en/com/cnc/2001/com/2001/0428en01.pdf>.
3. Эстониянинг Фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. <http://www.emy.ee/alusdokumen>.
4. Договор между правительством и общественным сектором Уэльса: [www.officialdocuments.co.uk.document.cm41/4107/4107.htm](http://www.officialdocuments.co.uk/document/cm41/4107/4107.htm); G Шотландский договор: общественным www.scotland.gov.uk/library/documentsw3/comp; Договор между правительством и сектором Северной Ирландии: www.nicva.org/compact.html
- G Договор об отношениях между правительством и общественным сектором Англии: www.homeoffice.
5. Национальная программа сотрудничества между правительством Республики Хорватия и общественным сектором «Вместе ради лучшего»: <http://www.uzuvrh.hr/eng/suradnjaENG.htm>.
6. Юлдашев А. Ижтимоий шериклик муносабатлари: миллий ва хорижий тажриба // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. –Т., 2015. – № 3. – Б. 62-65.
7. Договор между правительством и общественным сектором Уэльса: [www.officialdocuments.co.uk.document.cm41/4107/4107.htm](http://www.officialdocuments.co.uk/document/cm41/4107/4107.htm); G Шотландский договор: www.scotland.gov.uk/library/documents-w3/comp; Договор между правительством и общественным сектором Северной Ирландии:

www.nicva.org/compact.html G Договор об отношениях между правительством и общественным сектором Англии: www.homeoffice.gov.uk.

8. <http://www.thecomcompact.org.uk>.

9. Ривожланаётган мамлакатларда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга кўмаклашиш: ривожланиши соҳасида ҳамкорликнинг Европа намунаси // http://www.diegdi.de/DIE_Homepage.nsf OpenElement; Eva Weidnitzer, German Aid for Poverty Reduction, Berlin: Deutsches Institut für Entwicklungspolitik; <http://www.euforic.org/projects/povcasde.htm>.

10. Исамиддинов С. Фирибгарлик жинойатининг виктимологик профилактикаси бўйича хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили // Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2024. – Т. 3. – С. 6.

11. Исомиддинов С. Фирибгарликнинг виктимологик профилактикасини такомиллаштиришнинг асосий йуналишлари // Жамият ва инновациялар-Общество и инновации-Society and innovations Journal home page: <https://inscience.uz/index.php/socinov/index> Б. – 2024. – С. 185-192.

12. А.А.Насритдинов-2025 “Жиноят сабаби ва уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларнинг назарий-ҳуқуқий таҳлили” <https://scientific-jl.org/index.php/new>.

13. Якубов Ш.У. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари. Монография. Т. 2018 й. – Б.135.

14. Государство и гражданское общество: практика эффективного взаимодействия. Международный опыт : сб. ст. и док. / сост. Е. Б. Тонкачёва, Г. Б. Черепок. – Минск: ФУ Аинформ, – 2009. – С. 266.

15. Civic Activities: Towards a Civil Society with a Future, Бундестаг комиссияси ҳисоботининг қисқача мазмуни, 2002 й. Июнь // http://www.bundestag.de/gremien/enga/02Zsf_en.pdf

16. Юлдашев А. Ижтимоий шериклик муносабатлари: миллий ва хорижий тажриба // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. –Т., 2015. – № 3. – Б. 62-65.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайти: www.parliament.gov.uz.

18. А.А.Насритдинов-2025 “Jinoyat sababi va uni sodir etilishiga imkon bergan shart-sharoitlarning nazariy-huquqiy tahlili” <https://scientific-jl.org/index.php/new>
19. Боржелли Н. Давлат ва фуқаролик жамияти ҳамкорлиги // Ижтимоий шериклик ва давлат қарорларини қабул қилишда жамоатчилик иштироки масалалари бўйича халқаро тажриба / тузувчилар: Н.Боржелли ва бошқ; таржимонлар: Э.М.Эрназаров, О.О.Оқюлов. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази. –Т., ART FLEX. – 2012. – Б. 33-38.
20. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.
21. Государство и гражданское общество: практика эффективного взаимодействия. Международный опыт: сб. ст. и док. / сост. Е. Б. Тонкачёва, Г. Б. Черепок. –Минск: ФУ Аинформ. – 2009. – С. 79–82. 2 *Ширинов Ж.* Жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайти: www.parliament.gov.uz.
22. Шецин шаҳар кенгашининг 1999 йил 11 октябрдаги XIV/458/99-сон қарори Шецин шаҳар маъмурларининг ноҳукумат ташкилотларга нисбатан сиёсати тўғрисида.
23. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2018. – № 16. 330-модда.